

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 19-iyun, chorshanba № 46 (15684)

Navqiron avlod so'zi

Ишончни оқлашимиз шарт!

Тўққиз йил олдин отам мени Бекобод шаҳридаги волейбол секциясига олиб келганди. Шундан буён ҳаётим спорт билан узвий боғлиқ. Талаба бўлишимдан аввал ҳам кўплаб чемпионат ва мусобақаларда иштирок этдим. Катта ютуқларга эришдим.

Юртимизда спортга ҳам, спортчиларга ҳам эътибор катта. Шу туфайли ўзбекистонлик ёш спортчилар йирик ареналарда ўзларини намойиш этиб, чемпион бўлишмоқда. Муҳими, мамлакатимизда чемпионларни тарбиялаш ва рўёбга чиқариш бўйича алоҳида, мукаммал механизм яратилган, бу эса жаҳонда ўқшаш йўқлиги билан ажралиб турувчи — ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларининг уч босқичли тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларидир.

Бу йил мен «Универсиада» спорт мусобақаларида илк марта талаба иштирок этдим. Очигини айтман, волейбол бўйича Тошкент шаҳри терма жамоаси таркибидан ўрин олиш, ҳатто профессионал спортчилар учун ҳам осон кечгани йўқ. Бунинг учун пойтахтимиздаги барча олий таълим муассасалари жамоалари мурасасиз кураш олиб боришди. Ҳар бир ўйинга бор куч-қувватимизни сарфлаб тайёргарлик кўраддик — галаба қозониш ва финалга чиқиш учун. Ана шунда мен юртимиздаги «Универсиада» бежиз «Кичик олимпиада» деб аталмаслиги, ушбу спорт мусобақалари ёш, умидли спортчилар учун ҳақиқий синув майдони эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

Терма жамоага институтимиздан мен ва курсдошим — Роман Емельяновни қабул қилишди. Биз Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент молия ҳамда Тошкент автомобиль-йўллар институтларидаги энг кучли талаба-спортчилар билан бирга пойтахт шаънини ҳимоя қилдик. Финалда Самарқанд вилояти терма жамоасини мағлуб этиб, олтин медалларни қўлга киритдик.

«Универсиада — 2013» спорт мусобақаларидан таасуротларим чексиз. Мен Бухородек гўзал, кўҳна ва боқий шаҳарда биринчи марта талаба бўлишим. Уни томоша қилиб, юртимиз тарихи нақадар бой эканига амин бўлдим. Шаҳар бўйлаб танишув саёҳатлари, маданий ва кўнгличлар тадбирлар хотирамда ўчмас из қолдирди.

«Универсиада» — бу фақат беллашув эмас. Бу чинакам спорт ва ёшлик байрами. Бу қизиқарли учрашувлар, дўстона мулоқотлар, янги танишувлар манзили. Унда қанчалаб истеъдодли спортчиларнинг номлари кашф этилишини айтмайсизми? Эртага улар, албатта, профессионал клублар ва терма жамоаларга тақлиф қилинадилар, нуфузли мусобақаларда Ватанимиз байроғини кўкларга кўтардилар.

Университетда энергетика соҳасида таълим оляпман. Келгусида ҳам танлаган мутахассислигим бўйича, ҳам спорт соҳасида фаолиятимни баравар олиб бормоқчиман. Ҳозир Ангрэн кон-металлургия комбинатининг волейбол клуби таркибидан ўйнайман. Шунингдек, университет терма жамоаси аъзосиман. Машғулотларни, асосан, университет базасида олиб борамиз. Бунинг учун барча шароитлар муҳайё этилган. Биласизми, ёшларга қанчалик эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилса, улар шу даражада юксалиб бораверади. Бугун бизга катта ишонч билдирилган. Бу — Ватан ишончидир. Қайси соҳада бўлмасин, уни, албатта, оқлашимиз шарт!

Ибраим ЧАКАЛОВ,
Тошкент давлат техника университети талабаси, «Универсиада — 2013» спорт мусобақалари олтин медал соҳиби



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

Етакчилар фаоллиги ошмоқда

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Фарғона шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг таълим олиши, ҳунар эгаллаши ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани таъкидланди.

Мазкур жараёнда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам ўрни катта бўлмоқда. Таълим муассасалари, корхона

ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотлар йигит-қизларни, уларнинг интилиш ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётир. Фарғона вилоятида 1275 бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, улар ўз атрофига 431 минг нафардан зиёд ёшларни бирлаштирган.

Бошланғич ташкилотлар етакчиларининг иш

тажрибаларини ўрганиш ва ибратли ташаббусларини кенг оммалаштириш, уларнинг билим ва кўникмалари ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган мазкур семинарда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида баён этилган устувор ғоя ва вазифалар, ёшларга оид давлат сиёсати, ижтимоий соҳадаги ислохотларни амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни қандай бўлиши лозимлиги атрофлича муҳокама

этилди. Ҳаракат фаоллари, олимлар ва маънавият тарғиботчиларининг маърузалари тингланди.

Интерфаол усулда олиб борилган семинар машғулотларида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифлари билан фаол иштирок этди. Тадбир доирасида бир қатор бошланғич ташкилотларнинг тақдиротлари, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг саралаш босқичлари ўтказилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири

Hududlardan mujdalar

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Харакатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Етакчи» ёшлар маркази ташаббуси билан олий таълим муассасаларидаги талабаларни мавсумий иш билан таъминлаш мақсадида «Оромгоҳ — 2013» ўқув лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида вилоят «Ёшлар маркази»-да талабаларни ёзги оромгоҳларга гуруҳ етакчиси сифатида тайёрлаш учун семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар иштирокчиларига соғломлаштириш оромгоҳи тўғрисидаги низом, оромгоҳнинг масъул ходимлари вазибалари, гуруҳларда ижобий психологик муҳитни яратиш каби мавзуларда маъруза ва амалий машғулотлар олиб борилди. Шунингдек, оромгоҳ тадбирлар режасидан жой олган маънавий-маърифий тадбирлар, болаларнинг қобилиятларини намоён қилиш учун танловлар, оммавий ва миллий ўйинлар ҳамда оромгоҳнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари тўғрисида кенгроқ тушунчалар берилди.

Вилоят «Ёшлар маркази»да «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам берайлик!» мавзуида ўқув семинари ташкил этилди.

Харакатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу семинарда одам савдосига қарши курашиш бўйича

Навоий вилояти ҳудудий идоралараро комиссияси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят минтақавий вакили, Навоий шаҳар прокуратураси, адлия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда одам савдосидан жабрланганлар, узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган ва бугунги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, уларнинг фарзандлари билан ишлаш бўйича мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик механизмини янада кучайтириш муҳим вазибалардан бири эканлиги таъкидланди. Семинарда иштирокчилар жамоаларга бўлиниб, амалий машғулотлар олиб боришди.

Тадбир сўнггида «Алданганлар» номли видеоролик намойиш этилди.

Энг яхши бизнес лойиҳага имтиёзли кредит

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Менинг бизнес ғоям» танловининг вилоят босқичи ғолиблари учун ўқув оромгоҳи ташкил этилди.



2011 йилдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк», «Ипотекабанк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Асака банк», «Агробанк» ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ушбу танлов орқали академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсад қилинган.

— Ўтган йили мазкур танловнинг қуйи босқичларида 28 мингга яқин ёшлар ўз бизнес ғоялари билан иштирок этган эди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудир Фазлиддин Барқашбоев. — Бу йил эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 48 мингга яқин академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб қилинди. Лойиҳанинг қуйи босқичларида жойлардаги «Ёш тадбиркор» консултатив марказлари томонидан ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга доир ўқув семинарлари

ташкил қилинди. Ушбу семинарларда ўн мингдан зиёд битирувчилар ўз билим ва тажрибаларини оширдилар. Улардан икки мингдан зиёд ёшларга эса лойиҳа доирасида ташкил этилган ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан бизнес ғояларини тижорат банклари орқали молиялаштириш учун тавсиялар берилди.

Тадбиркор фаолияти давомида муаммоларга дуч келмаслиги учун ҳуқуқ ва бурчларини ҳам билиб қўйгани яхши. Шу боис «Камолот» ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтган танловнинг республика босқичида қатнашган иштирокчиларга малакали мутахассистренерлар, тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан керакли мавзуларда амалий машғулотлар, ўқув семинарлари олиб борилди.

Ўтказилган семинар-тренингда иштирокчиларнинг олган билимлари асосида бизнес режалар қайта ишлаб чиқилди. Семинар сўнггида ҳар бир иштирокчи ҳакамлар ҳайъати аъзолари олдида ўз бизнес режасини ҳимоя қилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, танлов иштирокчиларининг етти нафарига «Агробанк» ОАТБ, 14 нафарига «Мик-

рокредитбанк» ОАТБ, 14 нафарига «Ипотекабанк» АТИБ ҳамда 15 нафарига «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан имтиёзли фоиз ставкаларида 270 миллион сўм миқдорига микрокредит ажратилиши юзасидан тегишли тавсияномалар берилди. Шунингдек, «Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши бизнес ғоя», «Энг сифатли ҳамда экологик тоза маҳсулот», «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Ишлаб чиқариш йўналишидаги энг яхши лойиҳа», «Туризм соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинациялари ғолиблари аниқланди.

Самарқанд вилоятидан келган Мурод Аҳмедов Оқтош тадбиркорлик ва сервис коллежи битирувчиси. У компьютер хизматларини кўрсатиш бўйича бизнес лойиҳаси билан қатнашди.

— Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кредит олиш ниятида юрганимда «Менинг бизнес ғоям» танлови ўтказилаётганидан хабар топдим, — дейди Мурод Аҳмедов. — Ушбу танловда ғолиб бўлганларга фоизсиз кредит берилиши эътиборимни тортди. Шундан сўнг бизнес режа тузиб, саралаш босқичларида қатнашдим. Бунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ёш тадбиркор» консултатив маркази мутахассислари томонидан ўтказилган ўқув семинарлари кўл келди. Танловнинг республика босқичида тадбиркорлик фаолиятига оид зарур маълумотларга эга бўлдим. Семинар сўнггида «Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши бизнес ғоя» номинацияси ғолиби бўлдим. Энди Оқтош шаҳридаги «Микрокредитбанк» филиалидан уч миллион сўм имтиёзли кредит олиб, шаҳримиз аҳолисига компьютер хизматларини кўрсатишни бошлайдим.

Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида бўлиб ўтди. Унда «Менинг бизнес ғоям» танловининг 28 нафар ғолибига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Мақсадлар муштарак

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» анъанавий кўрик-танлови ўтказиб келиняпти. Бугун ушбу танлов ёшлар орасида кенг оммалашиб, ўзига хос ёшлар байрамига айланди, десак, муболага бўлмайди.

Айнан ушбу танлов орқали минглаб ўқувчи-ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бирга, мамлакатимизда қабул қилинаётган қарор ва қонунлардан батафсил хабардор бўлмоқда. Шунингдек, танлов иштирокчилари ўз билимларини синондан ўтказиш давомида жойларда ёшлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишишмоқда. Яқинда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган танловнинг республика босқичида қатнашган жамоа аъзолари ҳам бир олам таассуротлар билан қайтишди. Уларнинг баъзилари билан танишдим.

Хадича Ўлмасова, Фаргона вилояти Қўштепа тумани транспорт ва йўл қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчиси:

— Қорақалпоқ диёрига биринчи марта келишим. Бу халқнинг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, хушмуомала-

лиги менда катта таассурот қолдирди. Нукус шаҳридаги болалар истироҳат боғи, янгидан қурилган бадий гимнастика зали ҳамда очиқ осмон остидаги болалар кўғирчоқ театрида бўлиб, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш учун қанчалик кенг имкониятлар яратилаётганига гувоҳ бўлдим. Танлов баҳонасида Хоразм, Сирдарё, Тошкент вилоятларидан келган тенгдошларим билан ўзаро фикр алмашиб, билмаганларимизни бир-биримиздан ўргандик. Мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларида ҳуқуқшунослик дарси ўтилади. Бизнинг «Шижоат нур» жамоамиз бунга кўшимча қилиб, фуқаролик ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи фанларини дарслик сифатида ўтиш таклифини билдирди.

Райхон Аминбоева, Ботот маиший хизмат ва ахборот технологиялари

касб-хунар коллежининг «Қалқон» жамоаси аъзоси:

— Нукус шаҳридаги И.В. Савицкий номидаги санъат музейи менда катта қизиқиш уйғотди. Музейдаги тарихий ёдгорликлар, қорақалпоқ хотин-қизларининг қадимий кўк кўйлак, саукеле, оқ жегде, кемешек каби миллий либослари ҳамда қорақалпоқ тарихи акс этган расмларни кўриб, бу юртга бўлган қизиқишим янада ортди. «Сиз қонунни биласизми?» танловида иштирок этишимдан мақсад ўз ҳуқуқ ва бурчларимни янада чуқурроқ ўрганишдир. Танловга тайёргарлик жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳуқуқ асослари, халқаро ҳуқуқ нормаларини ўргандим. Ушбу танлов ҳар томонлама фаол бўлишга ундайди.

Зарифа Хўжамбердиева, Чортоқ педагогика коллежининг «Адолат» жамоаси аъзоси:

— Обод юртнинг бахтиёр қизиман. Кўркам ва замонавий шароитларга эга коллежда таълим олаётиман. Келажакда ўзбекистонлик биринчи ҳуқуқшунос аёл Хадича Сулаймоновадек ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Албатта, бунинг учун кўп ўқиб-изланишим керак. Бунда танловнинг ҳам ўз ўрни бор.

Фарангиз Хайитова, Шеробод тумани агросаноат касб-хунар коллежининг «Фемида» жамоаси аъзоси:

— Ушбу танловни танишув, беллашув, дўстлашув танлови деб атаган бўлардим. Чунки жамоалар аъзолари финал босқичи бўлиб ўтадиган ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ёшларга яратилаётган шароитлар билан танишиб, сўнг ҳуқуқий саводхонлигини синондан ўтказишди. Танлов охирида эса, ҳар бир иштирокчи дўстлашиб хайрлашди. Менимча, Қорақалпоғистонда ҳар учала жараён акс этди. Жамоамиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшлар орасида мавжуд камчилик ва муаммолар ечимини ҳал этишга қаратилган «Бирлашиб биз, катта кучми!» шиори остида фестивал ўтказиш, унинг доирасида ҳуқуқшуносликка оид дарслар, кечалар ташкил этиш таклифини билдирди.

Фикрлар хилма-хил бўлсада, мақсад битта: ҳуқуқий саводхонликни ошириш, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш, шу юрт тараққиётига хизмат қилишдир.

Турсунгул ОТАРОВА
ёзиб олди

Хуқуқий эксперимент натижа беряпти

Президентимизнинг махсус фармойишига асосан, айни пайтда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси хуқуқий эксперимент сифатида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида синовдан ўтказилди. Тажрибанинг тафсилотлари ҳақида Бухоро вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари, хуқуқий эксперимент ишчи гуруҳининг масъул котиби Акбар Рустамов гапириб берди.

— «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мамлакатимиз қонун ижодкорлиги соҳасида янги қорам бўлди, — дейди А.Рустамов. — У давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти юзасидан нодавлат ташкилотлар, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади. Экспериментни вилоятларда ўтказишдан мақсад аҳолининг янги қонун лойиҳаси нормаларини ижро этишга нечоғли тайёр эканини аниқлашдир.

Хуқуқий экспериментни ўтказиш тартибига кўра, Бухоро вилояти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида уларнинг очиқлигини таъминловчи янги қорамлар жорий этилди. Жумладан, энди ушбу органларга ахборот олиш учун ёзма, электрон ва оғзаки шаклда мувожаат этиш ва мувожаатларни бевосита

ёки ахборот олувчи шахснинг ваколатли вакиллари орқали юбориш мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олишга доир хуқуқларини янада кенгайтиради. Айтиш жоизки, айни пайтда экспериментда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими фаол иштирок этмоқда. Охирги уч ой мобайнида ҳудудий бўлинмалар томонидан маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқаруви органларига 320 га яқин ахборот сўрови келиб тушди. Бу кўрсаткич аввалги ойларга нисбатан анча кўп. Хусусан, биргина май ойида оммавий ахборот воситалари томонидан юборилган 37 та, шунингдек, нодавлат ташкилотларнинг 42 та ва жисмоний шахсларнинг юзга яқин сўровларига жавоб берилди.

Хуқуқий экспериментни намунали ташкил этиш мақсадида Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳар ҳокимликлари, вилоят давлат солиқ, статистика, соғлиқни сақлаш бош-

қармалари ва бошқа жами 75 та субъектдан иборат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида фуқаролар учун ахборот олиш хоналари ташкил этилди. Қонун лойиҳасининг 12-моддасига мувофиқ, бу хоналарда тегишли мазмундаги стендлар ўрнатилган. Қолаверса, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги маълумотлардан батафсил ва тезкор хабардор этиш мақсадида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари биноларида инфокиосклар ҳам ўрнатилиб, уларга фуқаролар учун мўлжалланган барча маълумотлар киритилган. Бундай маълумотлар билан вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти орқали ҳам танишиш мумкин.

Албатта, эксперимент жараёнида қонун лойиҳаси юзасидан тақлифлар олинади. Мазкур қонуннинг қабул қилинишидан, биринчи галда, оммавий ахборот воситалари манфаатдор эканини ҳам таъкидлаш лозим.

— Бухоро вилояти ҳокимлигининг ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўйган ахборот хизмати томонидан матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этилмоқда. Яқинда вилоят ҳокимлигининг журналистлар билан ўтказган мулоқоти фикримни исботлайди, — дейди «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоилов. — Хуқуқий эк-

сперимент эса, бу ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариши шубҳасиз. Қонун лойиҳасининг 15-моддасида «Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервью беришларини ташкил қилиш тўғрисидаги сўрови етти кундан ошмайди» деген қарар қабул қилинган. Менинг назаримда, бу муддат кўп. Негаки, ахборот технологиялари мислсиз даражада ривожланган ва ахборотни тарқатиш имкониятлари нихоятда кенгайган ҳозирги даврда бирор воқеа ёки ҳодисага аниқлик киритилиши, бошқаруви органи мутасаддиларининг унга муносабат билдиришлари, берилган сўровларга жавоб қайтарилиши қонунда кўрсатилганидек бир ҳафтага чўзилса, бу журналистларнинг иш унумдорлигига, албатта, таъсир кўрсатади. Қолаверса, олинган ахборот асосида материал тайёрлаш учун ҳам вақт керак. Шунинг учун мувожаатларни кўриб чиқиш муддати уч-тўрт кундан ошмаслиги керак, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида ўтказилаётган хуқуқий эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ўз ишига нисбатан масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Hududlardan mujdalar

Тўрткўл туманидаги «Шўраҳон» овул фуқаролар йиғинида жойлашган «Лочин» болалар оромгоҳи яна болажонлар билан тўлиб-тошди.

Айни кунда бу ерда Нукус шаҳри ва Тўрткўл, Кўнғирот, Чимбой туманларидан келган 160 нафар бола тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда дам олмақда. Оромгоҳда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида тасвирий санъат, тикувчилик, тўқувчилик, амалий санъат, шеърят, спорт каби турли йўналишларда тўғарақлар ташкил этилган.

Харакатнинг Эллиққалъа тумани кенгаши «Ёз — 2013» мавсумида тумандаги «Орол болалари» оромгоҳида «Камолот» ва «Камалак» кунларини ўтказди. Оромгоҳда «Камолот» ва «Камалак» биз билан бирга!», «Одам савдоси — умр заволи», «Диний экстремизмнинг олдини олиш», «Биз ОИТС ва ОИВга йўқ деймиз!», «Оммавий маданият» ва ёшлар каби мавзуларда ўқув семинарлари, спорт мусобақалари ва турли хил кўрик-танловлар ташкил этилди.

Тадбир сўнгида болажонлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, «Келажак овози», «Янги авлод» кўрик-танловлари ғолиблари ҳамда сардорлар кенгаши аъзолари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Термиз давлат университетида Харакатнинг касб-хунар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари учун ўқув семинари ўтказилди.

Унда 67 та мактаб ва 61 та касб-хунар коллежидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари қатнашди. Семинарда бошланғич

ташкилотлар етакчилари Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, ёшларга доир давлат сиёсатида оид қонунчилик, ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг зарарли иллатлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда бошланғич ташкилотларнинг роли, ёшлар ўртасида турли тўғарак ва клублар фаолиятини йўлга қўйиш методологияси каби мавзулардаги машғулотларда қатнашиб, ёшлар билан ишлаш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Чет тили кабинетлари ўзгардимми?

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг чет тили кабинетларини замонавий коммуникация воситалари ва техник анжомлар билан жиҳозлаш маъёрлари ишлаб чиқилди.

Уларга кўра, эндиликда 1—4-синфлар дарс ўтадиган чет тили хоналари ноутбук, проектор, TV-тюнер, электрон доска ҳамда овоз кучайтиргич (колонка)лар билан жиҳозланади. Бундай техник воситалардан ташкил топган дастлабки 2457 та тўплам жорий йилда республикамиз мактабларига етказиб берилади.

Шунингдек, янги ўқув йилига қадар барча мактабларни магнитола (DVD-плеерли), қуйи синфлар учун мўлжалланган дидактик материаллар, ўзбекча-инглизча ва инглизча-ўзбекча луғатлар, хорижий тилларга таржима қилинган ўзбек халқ эртақлари ва бир қатор кўргазмалар қуроллардан иборат жами 17222 та тўплам билан таъминлаш кўзда тутилган.

Юртимиз мактаб таълимида 5—9-

синфлар учун чет тили дарслари компьютер технологиялари асосида ўтилишини инobatга олган ҳолда, жорий йилда мактабларни 1485 та компьютер синфи тўплами билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Янги талабларга жавоб берадиган мактаблардаги чет тили ўқув хоналари таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Масалан, мактабга эндигина қадам қўйган 1-синф ўқувчилари учун дарсни ўйин шаклида ташкил этиш мақсадида мувофиқ, дейди мутахассислар. Бунда ўқитувчиларга синфхонадаги проектор ёрдамга келади. Ушбу мослама орқали болажонларга хорижий тилларда ишланган махсус анимацион фильм ёки ўйинларни намойиш этиш мумкин.

Бундан ташқари, яқин орада чет



Ta'lim taraqqiyoti

МЕҲРИНГДАН КУЧ ОЛИБ, УЛГАЙМОҚДАМИЗ, ОНА ВАТАН!

Наманган вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Меҳмоннавозлиги, самимий ва хушфёъллиги билан ном қозонган гуллар шаҳри — Наманганда яна бир байрам 13 — 15 июнь кунлари каттаю кичикни ўзгача оҳанрабои билан оғушига чорлади. «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтган мазкур ёшлар фестивалида иштирок этган ҳар бир ўғил-қизнинг онгу шуурида шу азиз Ватанинг дилбанди эканидан фахрланиш туйғуси, истиқлол ғояларини ҳамisha эъзозлаш ҳисси, эртанги кунга ишонч, эзгу мақсадлар рўёби йўлида қатъий интилиш ва шижоат учкунлари уйғонди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан ўтган давр мобайнида халқимиз қўлга киритган ютуқ ва натижаларни, давлатимизнинг салоҳияти ҳамда қудратини, туб ислохотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ифодалаб беришга йўналтирилган ушбу тадбир дастуридан жой олган барча лойиҳалар вилоятнинг қайси гўшасида бўлмасин, ўз хайрихоҳларини ҳамда маслақдошларини топди, қалбларнинг тўридан жой олди, десак, муболага эмас. Пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар «Ёшлар маркази»да кутиб олинди. Улар орасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасидан вакиллар бор.



қоллежлари ва олий ўқув юр-тларига ташриф буюрди. Ав-тубусни бекаларда беш юз нафардан зиёд талаба-ёшлар миксидан иштирокчилар ўқув масканларида янги иқтидор эгаларини кашф этишга, ин-терфаол ўйин ва сўровларда йигит-қизларнинг тадбиркор-ликка бўлган қизиқишларини ўрганишга муваффақ бўлди-лар. Шу аснода фестиваль до-ирасида «Камолот» кунлари ҳам минглаб норинлик ёшлар-га ўзгача таассуротлар бағиш-лади. Айниқса, «Камолот»нинг 12 ёшга тўлгани, ўтган вақт да-вомида эришилган ютуқлар, янги истеъдод эгаларининг кашф этилиши, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доира-сида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари-да норинлик йигит-қизларнинг иштироки, вилоят ва республи-ка миксидеги кўрик-танлов-ларнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти сингари ўнлаб мав-зуларда аτροφлича фикр юри-тиди. Демак, биз, ёшларнинг ўтаётган ҳар бир кунимизда «Камолот»нинг ўрни ва қадри бор, шу тўғрисида «Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун «Ка-молот»дан миннатдорман!» дея баралла айта оламиз.

Миллий кадриятлар — қизиллик ва ўшмаган ёшлар ва умумтаълим мактаблари ўқув-чилари жалб қилинди. Фаол иштирокчиларга эса, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг турли номинациялар бўйича дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

ёдида қоладиган бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида «ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мар-дик, чиниқш ва тоблиниш мактабига айлангани, халқ ва армия — бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш» вазифаси ҳам қўйилди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, ҳарбий қисмда ўтказилган мазкур тадбирнинг нечоғли аҳамиятга молик эканини англашимиз.

«МЕН ХАМ ДЕПУТАТ БЎЛАМАН!»

Учқўрғон туманидаги ахборот технологиялари ва сервис касб-хунар коллежиди ўтган «Президент асарлари билимдон», педагогика колле-жеда «Биз соғлом ахборот муҳити тарафдоримиз!», Тўрақўрғон тумани маданият саройида «Прези-дент асарлари билимдони», иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежиди «Истиқлол истеъдодлари» лойиҳалари, доирасидаги тадбирлар ҳам барчага байрамон кайфият улашди. Лойиҳалар доирасида мавзу-га оид слайдлар намойиши, турли интерактив ўйинлар, савол-жавоблар, мунозаралар таъкидланди. Лойиҳалар 15 та ҳудудда уюштирилиб, улар-да жами 5300 нафардан зиёд касб-хунар коллежлари ўқув-

чилари, уюшмаган ёшлар ва умумтаълим мактаблари ўқув-чилари жалб қилинди. Фаол иштирокчиларга эса, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг турли номинациялар бўйича дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

Фестивалнинг иккинчи кун ҳам бир-биридан қизиқарли ва мазмундор тадбирларга бой бўлди. Косонсой туманидаги иқтисодиёт колле-жеда «Истиқлол истеъдодла-ри» лойиҳаси бўйича ўтказилган тадбирнинг ниҳояси му-шоира билан яқунланди. Наманган туманидаги маданият саройида «Оммавий мадани-ят» ва ёшлар маънавияти», пе-дагогика коллежиди «Биз соғ-лом ахборот муҳити тарафдоримиз!», Тўрақўрғон тумани маданият саройида «Прези-дент асарлари билимдони», иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежиди «Истиқлол истеъдодлари» лойиҳалари, доирасидаги тадбирлар ҳам барчага байрамон кайфият улашди. Лойиҳалар доирасида мавзу-га оид слайдлар намойиши, турли интерактив ўйинлар, савол-жавоблар, мунозаралар таъкидланди. Лойиҳалар 15 та ҳудудда уюштирилиб, улар-да жами 5300 нафардан зиёд касб-хунар коллежлари ўқув-

чилари, уюшмаган ёшлар ва умумтаълим мактаблари ўқув-чилари жалб қилинди. Фаол иштирокчиларга эса, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг турли номинациялар бўйича дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

Фестивалнинг иккинчи кун ҳам бир-биридан қизиқарли ва мазмундор тадбирларга бой бўлди. Косонсой туманидаги иқтисодиёт колле-жеда «Истиқлол истеъдодла-ри» лойиҳаси бўйича ўтказилган тадбирнинг ниҳояси му-шоира билан яқунланди. Наманган туманидаги маданият саройида «Оммавий мадани-ят» ва ёшлар маънавияти», пе-дагогика коллежиди «Биз соғ-лом ахборот муҳити тарафдоримиз!», Тўрақўрғон тумани маданият саройида «Прези-дент асарлари билимдони», иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежиди «Истиқлол истеъдодлари» лойиҳалари, доирасидаги тадбирлар ҳам барчага байрамон кайфият улашди. Лойиҳалар доирасида мавзу-га оид слайдлар намойиши, турли интерактив ўйинлар, савол-жавоблар, мунозаралар таъкидланди. Лойиҳалар 15 та ҳудудда уюштирилиб, улар-да жами 5300 нафардан зиёд касб-хунар коллежлари ўқув-

МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР — ЁШЛАР НИГОҲИДА

— Эндигина ўн тўққиз ёшни қаршиладим, — дейди янгиқў-рғонлик ёш спортчи Дониёр Искандаров. — Туманимизда биринчилардан бўлиб комбат-айкидо бўйича II ДАН қора бел-боғ соҳиби бўлдим. Олтмиш килограмм вазн тоифасида кўп карра республика ва халқаро мусобақаларда голиб бўлдим. Шу йилнинг 1 — 3 июнь кунла-ри пойтахтимизда ўтказилган мусобақада бош соврин — «Ол-тин кубок» эгаси бўлдим. Октя-брь ойида Швейцарияда ўтказилаётган жаҳон чемпио-натига пухта тайёргарлик кўрмоқдам. Менга фести-валнинг учинчи кунинда «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» шиори остида «Хилло-л» мажмуасидан «Камолот» ёшлар боғи»га қадар велома-рафон ҳамда югуриш марафо-ни ўтказилгани жуда маъқул келди. Чунки спорт — барка-моллик, саломатлик гарови. Зеро, марафонларда жами 150 нафардан ортик ёшлар ва ўттизи нафардан ортик санъат-корлар, киноактёрлар, шоир-ларнинг ҳам қатнашганили вилоятимизда спортнинг ом-малашаётганидан далолатдир.

Фестиваль яқунланадиган кунда дўстлик ва тотувлик риш-таларини тараннум этувчи дастурларнинг намойиши бар-чага хуш кайфият улашди. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида миллий мада-ний марказларнинг фольклор жамоалари Ватанини, тинчлик ва аҳилликни улуғловчи қўшиқ ҳамда рақслари, айтишувлари билан томошабинларнинг ол-қишларини олишди.

ТЎЙ-ТЎЙЛАРГА УЛАНДИ!..

Фестиваль давомида эзгу-ликка ва савобга элтувчи хайр-ли ишлар ҳам амалга оширил-ди. Наманган шаҳридаги «Бар-лос» кафесида 12 нафар кам-таъминланган оилалар фарзан-дининг хатна тўйлари ўтказил-ди. Тўйболалар учун элик минг сўмдан пул маблағлари қўйил-ган «Омонат дастархон»лари ва эсдалик совғалар топширилди, байрам дастурхони эзилди.

Наманган шаҳридаги 11 та савдо дўконда тарғибот гуруҳи иштирокида «Виждони сотув-чи» акцияси ўтказилди. Акция давомида иккита савдо дўкони-да воёга етмаган ёшларга тама-ки ва алкоголь махсулотларни сотиш ҳолатлари аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан тушунти-риш ишлари олиб борилди. Қонунларга риоя қиладиган со-тувчиларга эса, махсус футбол-калар тақдим этилди.

Хар ишнинг интихоси бўлганидек, фестиваль учун донорлардан мuddат ҳам ниҳод-яланиб, меҳмонлар билан хай-рлашув онлари бошланди. «Кичкинтойлар боғи»даги ёзги амфитеатрда «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори ос-тида гала-концерт бўлиб ўтди. Дастурни вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳо-дир Юсуфов очиб берди. «Ка-молот» ЁИХ Марказий Кенга-ши раиси ўринбосари Сарвар



ДАВОМ ЭТАВЕР, «КАМОЛОТ» КУНЛАРИ!

Норин sanoat ва сервис касб-хунар коллежиди ташкил этилган «Камолот» кунлари»

Ашуров сўз олиб, барчани му-басидан йигирма нафар ёш хунарманднинг кўргазмалари нуфузли хайат томонидан аъло баҳоланди.

Фестиваль доирасида ўтказилган лойиҳаларда фаол иштирок этган ҳамда ўзининг ташаббускорлиги, фидойилиги ва меҳнатсеварлиги билан ёшларга ўрнак бўлган беш на-фар ёш — Наманган муҳандис-лик-педагогика институти та-лабаси Ҳожиакбар Паттаев «Энг яхши хуқуқ тарғиботчи-си», Наманган тиббиёт колле-жи ўқувчиси Зиёда Умарова «Энг ёш тарғиботчи», Наман-ган муҳандислик-педагогика институти талабаси Нарғиза Жўраева «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси», Наманган давлат университе-ти талабаси Мухаббат Раҳмо-нова «Энг яхши маънавият тарғиботчиси» ва Наманган му-ҳандислик-технология инсти-тuti ўқувчиси, ёш олим Ота-бек Йўлдошев «Энг яхши им-фан фидойиси ва тарғиботчи-си» номинацияси бўйича голиб бўлди. Голиб талабалар ва туман ёшларининг оруз-ин-тилишлари рўйи учун имко-ниятларни яратиб беришда, айниқса, касб-хунар коллеж-лари битирувчиларини иш бил-дан таъминлашда избрат наму-наларини кўрсатган Янги-қўрғон тумани ҳокими Тоҳир-жон Рашидов «Ёшлар билан ишлашда энг яхши туман ҳоки-ми» номинацияси бўйича «Ка-молот» ЁИХ Марказий Кенга-шининг махсус дипломи ва телевизор билан тақдирланди.

Утказилган концертга ша-ҳар ва туманлардан уч минг нафардан ортик ёшлар билан уюшмаган ёшлар жалб қилин-ди. Концерт дастури давоми-да Хуршид Эшонқўжаев, Уми-длаш Увоғлаев, Фарўқ Аҳмедов, Соҳида Гулматова, Динейра Хусеинова, Озод Равшан, «Диёр» гуруҳи, Мирзохид Ка-молов, Дилсўз каби санъат-корларнинг чиқишлари ёш-ларнинг эътиборига тушди.

ВАҚТ

(Қатра)



Болалигимда онамдан, ойижон, қачон катта бўлман, деб сўрайвериб қўймасдим. Қизиқ бўларкан, орадан жуда кўп вақт ўтгани йўғ-у, ўша истагим бүгун тамоман ўзгарган-қўйган. Энди шундай ўйлайман: «Қанийди, катта бўлмасам, ҳамиша ёш бўлиб қолсам...»

Сизнингча, бу нодонларнинг истаги, шундайми? Яширманг, умрингизда ҳеч бўлмаганда бир марта бола бўлиб қолгингиз келган-а сизнинг ҳам? Афсуски, вақтни ортга қайтариб бўлмайди-да.

Бир куни иш билан интернет-кафега кирдим. У ердагиларнинг ҳаммаси мен тенги, мендан ёшроқ ўғил-қизлар. Кимдир кино кўраётди, тўрт-бешта бола шовқин солганча, ўйин билан банд. Ижтимоий тармоқда «дўст»лари билан суҳбатлашаётган-

лар қанча... Очиғи, мана шу ҳолатни кўриб, вақт ҳақида ўйлаб қолдим.

Агар сиз бугунингизни сўнгги куним деб яшасангиз, жуда кўп буюк ишларни қилишингиз мумкин, деган экан донишмандлардан бири. Бошқаларни қўйиб, ўзим ҳақимда ўйлай бошладим: хўш, бугун нималар қилдим. Онам буюрган ишларни бажардимми? Эртанги дарсга тайёрманми, нега ҳалигача якуни нозорат ишларига тайёрланмадим? Бундай қарасам, шу

пайтгача вақт ҳақида, ундан қандай фойдаланаётганим тўғрисида бирор марта ўйлаб кўрмаган эканман. Шу кундан бошлаб ҳар тонг ўзимга ўзим вазифалар юклайдиган, кечкурун ўзимни ўзим тергайдиган бўлдим. Ишонасизми, шундан сўнг ҳаётимда яхши ўзгаришлар бўлди. Бироқ ҳамон вақт мендан илгарилаб кетаётгандек туюлади. Демак, ҳали ўзимга берадиган саволларим бор...

Дарвоқе, гапнинг хонаси келди, сўраб қўя қолай: **Сиз вақтни қанчалик қадрлаясиз, азиз тенгдошим?..**

Нилуфар АБДУВОСИЕВА, ЎЗМУ талабаси

Атавлиқотчи

Tanaffusdagi tabassum

«А»ЛАРГА ҲАМИША ҚИЙИН, «Х»ЛАРГА-ЧИ?..

Фамилияси «А» ҳарфидан бошланадиган талабага қийин. Чунки аксар домлалар уйга вазифани журналдаги рўйхат бўйича сўрашни афзал кўради. Лекин қўтилмаган вазиятлар ҳам бўлиб туради.

Бир куни «А»ларнинг киритган таклифи сабаб, адабиёт ўқитувчимиз уй вазифасини рўйхатнинг охиридан бошлаб сўради. Дарсга тайёрланмай келган «Ш»лардан бири мум тишлаб қолди. У, устоз журнал бошидан сўраса, менга навбат етиб келмайди, деб ўйлаган, шекилли. Режамизни ўзгартириб юборадиган ҳолатлар бўлишини англаб, сергак тортдик, ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик билан қатнаша бошладик. Балки журналнинг ўртасидан сўрайдиганлар топилиб қолар! Шундай экан, эҳтиёткорроқ бўлинг, ҳурматли «М»лар!

«КЕЛИШУВ»ДАН НАФ БОРМИ?

«Бирлашган ўзар...», дейди устозларимиз. Биз, талабалар доим уларнинг маслаҳатига суяниб иш қиламиз. Натижа эса қўтилгандан аъло.

Ҳозир қийин предметнинг ўзи йўқ. Чунки биргалашиб иш қилаяпмиз. Уйга вазифани режа бўйича бўлишиб оламиз. Ҳамма ўзига тегишлисини айтади. Саволларни ҳам олдиндан тайёрлаймиз: «Сен менга бу саволни, мен сенга буни-сини бераман» каби. Қарабсизки, олам гулистон. Устоз биздан хурсанд бўлиб чиқиб кетади. Лекин бир савол ҳали жавобсиз: «Биз биргалашиб ўзаяпмизми, «тўзаяпмизми?»

ҒАЛАТИ ТАЛАБАЛАР



— Уйга вазифа нима эди?

Ҳамма бошини қуйи эгди. Устоз овозини кўтариброк сўради:

— Ким тайёрланиб келди?

Талабалар кўзларини пирпиратиб, бошини янаям қуйироқ эгишди. Аҳволни кўриб устознинг жаҳли чиқди, бир томондан кулгиси келди ва ўрнидан туриб:

— Сизлардан сўраяпман, уйга вазифани қилдингларми, йўқми? — сўради янаям баландроқ овозда.

Талабаларнинг боши партага тегиб кетаёзди. Баъзилар шундоқ эгилдики, худди эгилиш бўйича мусобақа бўлаётганга ўхшарди.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА

Og'riq

Амаки, сигарет борми?

— Сигарет доналаб сотилмайди.

Сотувчининг баланд овозини эшитиб, касса томонга қарадим, касса ёнида тахминан 12 ёшли бола сигарет сўраб турганини кўриб, уларга яқинлашдим.

— Даданга айт, бу ерда сигарета қўтилаб сотилади.

— Амаки, сигарет ўзимга керак эди, бера қолинг...

Болакайнинг сўзларидан ҳайратда қолдим. Ҳали вояга етмаган бола сигарет чекади-

ми? Дўкон пештахтасига назар солсам, катта ҳарфлар билан «Чекиш инсонни ўлдирди» деб ёзиб қўйилган. Сигарет қўтиларидидаги ёзув ҳам эътиборимни тортди. Уларнинг ҳар бирида «Чекиш соғлиқ учун зарар», «Чекиш ўзингизга ва атрофдагиларга салбий таъсир кўрсатади», «Чекиш ўпкани чиритади» каби огоҳлантиришлар бор. Сотув растасида 30 хилдан ортиқ сигарет бўлса, ҳар бирини ўқиганда афти бужмайтирадиган даражада

сўзларни кўриш мумкин эди. Наҳот, шуларни ўқиб, кўриб туриб болакай чекишда давом этаверади?! Ахир, у ўз соғлиғини ўйламагандан кейин бошқалар у ҳақида қайғуради деб ким айта олади? Шу фикрларни хаёлдан ўтказар эканман, ўша дўконга тахминан 18 ёшлардаги қиз кириб, сигарета сўради. Кейин эса кўчага чиқиб тамаки тутатганча йўлида давом этди...

Шахло АБДУҚАЮМОВА, ЎЗДЖТУ талабаси

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА 5 ТАВСИЯ

Кўпчилик инглиз тилини тез ўзлаштиришни хоҳлайди. Хўш, бу тилни қандай қилиб жуда тез ўрганиш мумкин?

Бошидан ўтган — табиб, деганларидек, бу тилни нисбатан тезроқ ўрганган дўстингиз сифатида, сизга баъзи тавсияларимни бермоқчиман. Улар менга чет тилини ўргатган устозимнинг ўғитлари асосида бўлгани туфайли, истасангиз, ёндафтарчангизга ёзиб олишингиз ҳам мумкин.

1-ТАВСИЯ. Нафақат инглиз, умуман, бирор чет тилини тез ўзлаштириш учун биринчи галда қизиқ кучли бўлиши керак. Демак, ўзингиз ёқтирган, ўрганишни қаттиқ истаган чет тилини танланг ва ўзингизни уни ўрганишга яхшилаб чоғланг. Кўр-кўрона ўрганишни бошламанг. Агар шу тахлит бошлаган бўлсангиз, ўрганишни ярим йўлда ташлаб кетишингиз ҳеч гап эмас.

2-ТАВСИЯ. Тил ўрганишга кунига 8-10 соат вақт ажратинг. Йўқ, бу билан бошқа ҳамма ишни йиғиштириб қўйинг, демоқчимасмиз. Дейлик, ўқишга бораёйсиз, йўл-йўлакай кўзингиз тушган нарсаларнинг номини ўрганаётган тилингизда айтинг (билмаганингизни луғатдан қарайсиз). Бир кунда бир-бир ярим соат вақтингиз йўлда ўтса ҳам, ўша вақтда камида ўн-ўн бешта янги сўз ёдлай оласиз. Ўн кунда юз-юз элликта сўз ёдлаганингизда ҳам, ҳисоблаб кўринг, бир ойда йўл-йўлакай неча сўзни ўрганар экансиз?..

3-ТАВСИЯ. Ўрганаётган тилингиздаги матнларни, албатта, баланд овозда ўқинг. Бу эшитиш қобилиятини яхшилаб, сўзларни тўғри ёки нотўғри талаффуз этилаётганини англашга кўмаклашадди. Янги ўрганаётган сўзларингизни ёзиб, хонангизда кўзга ташланадиган қилиб жойлаштиринг ва ҳар қараганингизда тақрорланг. Чет тилида гапириб, имконингиз бўлса, магнитофон ёки диктофонга ёзиб олинг ва диққат билан эшитинг. Талаффуздаги камчиликларингизни англаб оласиз.

4-ТАВСИЯ. Билганларингизни тестлар орқали тез-тез текшириб борсангиз, улар янада мустақамланади. Грамматикада бирор гапни ўқиётган пайтда гапдаги ҳолатни тасаввурда шакллантириш мавзуну хотирада яхши сақлашга ёрдам беради. Шу тилдаги фильмлар, кўрсатувлар, радиоэшиттиришларни мунтазам кузатиб боринг, бу тажрибангизни оширади. Имкон борича, дўстларингиз билан шу тилда сўзлашишга ҳаракат қилинг. Агар тил ўрганишни энди бошлаган бўлсангиз, аввал шу тилдаги болалар адабиётлари мутолааси орқали яхши натижага эришасиз ва ёнингизда, албатта, китоб ҳамроҳ бўлсин.

5-ТАВСИЯ. Кўп вақтни эшитиш ва ўқиш учун ажратиш, инглиз тилида равон гапирини такомиллаштиришингиз энг самарали йўли шу тилдаги кўшиқларни тинглаётганингизда, сўзларини ёзиб, жўр бўлиб қуйланг. Бу усул ҳам сўзлаш қобилиятини яхшилайдди.

Ҳеч қачон хатоларни деб чет тилида сўзлашишдан чўчиманг! Акс ҳолда, бу кўркув мақсадингизга эришингизга тўсқинлик қилади. Ва яна шуни унутмангки, яхши натижалар тажрибалар маҳсулидир!

ЎЗДЖТУ талабаси Шохсанам МАҲМУДОВА тавсия этди

Улкан мақсадларга чоғлан, юрагим!



Тошкент вилоят педагогика коллежида «Ватан, сенда унган чечак — келажакмиз!» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати Зарифа Эралиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов, шоир Ашурали Боймурод, «Ниҳол» мукофоти совриндори Дилноза Акбарова иштирок этди.

Коллеж дарвозасидан ҳовли саҳнига қадам қўйган киши тадбирга қизгин тайёр-гарлик кўрилганига ишонч ҳосил қилади: бир ёнда коллеж ўқувчилари чизган турфа суратлар, деворий газеталар; бир ёнда тўқувчилик тўғараги аъзоларининг бежирим либослари; яна бир тарафда бисерлик сир-ас-рорларини пухта ўрганган ўқувчилар тайёрлаган бири бирдан ажойиб буюмлар. Бу манзарани кўргач, кишининг кайфияти ўқувчилар чехрасидаги қувончга эш бўлиб, чин дилдан уларнинг юксак парвозларига хайрихоҳлик туяди.

Тадбир доирасида ўтказилган очик дарсларда битирувчи курс ўқувчиларининг педагогик лаёқати яна бир карра синовдан ўтказилди. Педагогика, табиатшунослик ўқитиш методикаси, адабиёт, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг нутқини ўсти-

ят педагогика коллежи директори Акмал Реджабов. — Бу, аввало, юртимизда етук салоҳиятли ёш мутахассис-кадрларни тайёрлаш борасида рўёбга чиққан оламшумул ислохотлар, мақсад-интилишларимиз самараси. Қолаверса, Акбарали Шокиров, Муҳаммаджон Шокиров, Маҳбуба Файзиева сингари фидойи ўқитувчилар ёш мутахассислар камолотида жон койитишмоқда.

Коллеж ўқувчиларининг дунёқарашини кенг, тафаккури теран. Улар бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ақл билан ёндашиб, асосли муносабат билдиришади. Бўлажак мутахассислар билан фикрлашганимизда бу хусусият уларнинг гап-сўзларида, мулоҳазаларида яққол намоён бўлди.

Мафтуна Аҳмедова, коллеж ўқувчиси:

— Ўқитувчиларимиз ҳар бир дарсда педагогик масъ-



ганини аниқ мисоллар билан тушунтиришади. Соҳамиз бўлгани учун бугун юртимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан доим хабардоримиз. Коллежни битиргач, иш жойимиз тайин, эртанги кунимиздан кўнглимиз тўқ. Дунёнинг айрим мамлакатларида нотинчлик, саводсизлик, иқтисодий танглик ҳукм сураётган бир пайтда Ватанимиз барқарор юксалиш йўлида бораётгани биз, ёшларда чексиз ифтихор, шукрона туйғуларини уйғотади.

Покиза Норхўжаева, коллеж ўқувчиси:

— Бугун кўплаб тенгдошларим қатори мен ҳам интернетдан фойдаланаман. Глобал тармоққа киришни ўрганган илк кунларимдаёқ унинг нечоғли улкан ахборот манбаига эгаллигидан ҳайратланганман. Сал кейинроқ интернетда нафақат фойдали, балки тафаккур ривожига салбий кўрсатувчи маълумотлар ҳам борлигини тушунганман. Бугун юртимизда интернетдан фойдаланувчилар орасида ёшлар салмоқли қисмини ташкил этади. Шу боис коллежимизда интернетдан фойдаланишнинг ахлоқий жиҳатларига қаратилган

давра суҳбатларида соҳа мутахассислари биз, ўқувчиларни фойдали маълумотларни кераксиздан ажратишга, маънавий тубанликни, ахлоқсизликни, зўравонликни тарғиб этувчи сайтлардан, ижтимоий тармоқлардан эҳтиёт бўлишга, огоҳликка ундайди.

Замира Йўлдошева, коллеж ўқувчиси:

— Глобаллашув шитобида «оммавий маданият» таъсири тобора кучайиб, дунёнинг барча давлатларини қамраб олаёпти. Бу, табиийки, юртимиздаги тенгдошларимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Кўча-кўйда кулоқ-бурнига ҳалқа таққан, сочини хурпайтириб, ғалати рангларга бўяган, эгнига майкаю шим ҳам, шалвор ҳам деб бўлмайдиган либос кийган йигит-қизларни кўрсак, уларнинг «оммавий маданият» хасталари эканини дарҳол пайқаймиз. Хайриятки, бу тоифа ёшлар юртимизда камчилик. Шундай бўлса-да,

бу иллатдан ғафлатда қолишга маънан ҳаққимиз йўқ. Кун сайин «оммавий маданият»нинг турфа шакллари пайдо бўлиб, тенгдошларимиз шуурини забт этишга уринапти. Юртимиз дунёнинг ривожланган давлатлари билан бўйлашаёпти. Демак, бу иллатдан четда қолишнинг имкони йўқ. Бироқ биз, ёшлар шарқона анъаналаримизга, бобоме-рос қадриятларимизга содиқ қолиб, илм-маърифат чўққиларини эгалласак, шубҳасиз, «оммавий маданият» ҳеч қачон тафаккуримизни эгаллай олмайди.

«Ватан, сенда унган чечак — келажакмиз!» шиори остидаги тадбир коллеж ўқувчиларига унутилмас эсдаликлар улашди. Эзгуликка, ватанпарварликка ундовчи куй-қўшиқлар, шеърлар ёшлар қалбига илҳом бахш этди. Инчунун, тенгдошларимиз ҳам меҳмонларга ўз қўшиқларидан, шеърини машқларидан намуналар айтишди. Юрагига улкан мақсадларни жо этган битирувчилар тадбирнинг фаол иштирокчиси бўлишди.

Хайриддин МУРОД, «Turkiston» муҳбири.

Сардор Муллажонов олган суратлар



Асрагани шу-да

Янги Зеландиянинг Окленда шаҳрида яшовчи Том Стилуэлл исми йигит ўйнинг нақ 16-қаватидан тушиб кетиб тирик қолди.

20 ёшли бу «қони қайноқ» йигит хонасида қулфланиб қолади ва балкондан ўтқазилган уйига ўтмоқчи бўлади. Утаётган вақтда сирланиб кетади. Бечора кулаётган вақтида бақирмайди ҳам.

У шифохонага етказилаётганда бир неча жойи синган, ички аъзолари эзилган эди. Шифокорларнинг сўзларига қараганда, Том омадли ва кучли инсон, узоғи билан икки ҳафтада юра бошлайди. Йигитнинг ўзи қилган ишдан афсусда эмаслигини, ҳали узоқ умр кўриш ниятида эканлигини айтди.

Ғарбона демократия

Норвегия ҳукумати мамлакат тинч вақтда аёллар мажбурий ҳарбий хизматга чақирилишини маълум қилди.

Маълумотларга кўра, бу қарорга парламентда фақатгина христиан-демократлар партияси қарши чиққан. Норвегия мудофаа вазири қонун 2015 йилдан кучга киришини айтмоқда. «Норвегия тинч вақтда аёллар армияга чақириладиган Европадаги илк мамлакат бўлади. Аёлларни армияга чақириш ғояси чақирилувчиларнинг етишмаслигидан эмас, балки жинслар тенглигидандир», — деди мудофаа вазири вакили.

Мамлакат мудофаа вазири Анне-Грете Стрем-Эриксен депутатларнинг бу иши дунё тарихида янгилик бўлади, дея баҳолади.

У ҳам инсонда

Германиядаги банкларнинг бирида банк ходимаси иш вақтида уҳлаб қолиши оқибатида ҳисобдан ҳисобга 64,2 евро ўтказиш ўрнига 222 миллион евродан ошиқроқ пулни ўтказиб юборган.

Банк ходимаси уҳлаётган вақтда қўли ва боши клавиатуранинг «2» тугмаси устида қолиб кетган, натижада исми сир тўтилатган мижоз бир дақиқада миллионерга айланган. Қилинган хато тезда аниқланган ва тўғрилانган. Банк бошлиғи ушбу нотўғри молиявий ўтказма учун 48 ёшли ходимани ишдан бўшатди. Аёл ишга қайтиш учун судга мурожаат қилганидан сўнг, суд унинг охириги 812 та ўтказмасини кўрди ва хатолик йўқлиги сабаб, биргина хайфсан эвазига ишга тикланиши тўғрисида қарор чиқарди.

Ўйиндан ўт чиқди

Доғистоннинг Бобоюрт туманида ўтказилган тўй азага айланди. Тўй меҳмони бўлган полиция ходими осмонга қарата ўқ узиш томошасида икки марта ўқ узади.

Отган ўқларидан бири тўйхона яқинида машинасида ўтирган яна бир полиция ходимига тегади. Дайди ўқдан яраланган катта сержант шифохонага олиб борилаётганда вафот этди. Ҳамкасбини отиб қўйган полициячига қандай чора кўрилиши сир тўтилмоқда.

Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



риш фанлари бўйича ёш мутахассислар замонавий мультимедиа ва педагогик технологиялар воситасида муаллимлик салоҳиятларини ва ёш авлодга таълим-тарбия беришга нечоғли тайёр эканларини намоён этишди.

— Коллежимизда иқтидорли, изланувчан, ўз соҳасини пухта эгаллаётган ўқувчилар кўп, — дейди Тошкент вило-

улияти, шарафи, соҳамизнинг юрт тараққиёти ва ёш авлод камолотидаги ўрни, биз, бўлажак мутахассисларга яратилаётган шароитлар ҳақида гапиришади. Педагогикамизнинг ўтмиши ва бугунини таққослаб, мустақиллик йилларида юртимиз таълим-тарбия борасида дунёнинг ривожланган давлатлари билан ҳамқадам бораёт-

